Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 10 февраль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 11 (6708)


*Даъват*

Агар оқил бўлмоқ тиласанг, ҳикмат ўргангил, ақл ҳикмат била камолга етар. Аристотелис донишдин: «Оқилнинг қуввати нимада?»— деб сўрабдурлар. Донишманд: «Барча кишининг кучи овқатдандур, ақлнинг кучи эса ҳикматландур», — дея жавоб бермишдур.

ҚОБУСНОМА

*Ибрат*

Наманган шаҳар Маданият саройида «Энг оқила қиз» танлови ўтказилди. Шаҳар миқёсидаги беллашувда 10 нафар оқила қизларнинг 3 нафари вилоят кўригига йўлланма олишди. Ғолибларга Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё бўйлаб саёҳат йўлланмалари, қимматбаҳо совғалар топширилди. Кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган мақсад битта — келгусида келин, она бўлажак қизларга уй тутиш, пазандалик, хушмуомалалик ва азалий урф-одатларимизни ўргатиш.



1-Тошкент педагогика билим юртида тажрибали, билимдон ўқитувчилар ўз касбига сидқидилдан ёндашишлари туфайли талабалар илм дунёсига чуқурроқ кириб бормоқдалар.

Суратларда: 1. Билим юртининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Хурсаной Умрзоқова буюк бобокалонимиз Амир Темур фаолияти ҳақида талабаларга сабоқ бермоқда.

2. Талабалар тикув-бичув дарсида.



*Диққат: тажриба!*

## МАРҲАМАТГА МАРҲАМАТ!

Маълумки, ҳар йили 25—29 март кунлари умумтаълим фанлари бўйича IV босқич республика олимпиадалари ўтказилади. Мавжуд Низом асосида белгиланган тартибда қуйи босқич олимпиадалари ташкил этилади. Ўтган давр мобайнида ушбу босқич беллашувларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича муайян тажрибалар тўпланди. Олимпиадаларнинг туман босқичини ўтказишда эски анъанавий усуллардан воз кечиб, ўзига хос янги усулни жорий этиб, яхши натижаларга эришаётган Андижон вилояти Марҳамат туманининг илғор иш тажрибалари эътиборга лойиқдир.

Марҳамат тумани халқ таълими бўлими томонидан ВХТБ, ВПХМОИ ва туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда олимпиадаларни тайёрлаш ва ўтказиш дастури ишлаб чиқилган. Янги ишлаб чиқилган дастурга кўра фан олимпиадалари фақат бир босқичда эмас, балки бир неча босқич ва даврларда ўқув йилининг ўзидагина эмас, балки бир неча ойлаб олдин ўтказилади. Масалан, мактаб олимпиадаларининг 1-босқич 1-даврасi ўқув йили учун март ойида, 2-босқич 1-давра эса апрель ойида туманда ўтказилади. Олимпиадаларда 10 нафар ғолиб ўқувчи танлаб олиниб, кейинги давралар учун тайёрланади.

Танланган ўқувчилар учун туман халқ таълими бўлимида давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларга фан йўналишлари бўйича вазифалар топширилади. Октябрь ойида олимпиаданинг 2-босқич 2-давраси ўтказилади. Унда 3 нафар ғолиб ўқувчи танланади, шу 3 нафар ғолиб ўқувчи 2-босқич 3-давра, яъни декабрь ойининг 1-ярмида мутлақ ғолиблик учун ўзаро куч синашади. Ғолиб чиққан ўқувчи февраль ойида вилоятда ўтказиладиган фан олимпиадасида иштирок этади.

Шу томони аҳамиятлики, 2-босқич 3-даврада иштирок этувчи ўқувчилар бир неча ойлар давомида туман халқ таълими бўлимига қарашли олимпиада марказида дарсдан сўнг бўш вақтларида мутахассис ўқитувчилар томонидан тайёргарлик кўрадилар. Хўш,

Давоми 2-бетда

• «Маърифат» жамғармаси
• «Бухоро туман халқ таълими жонкуяри» кўкрак нишони: ўн беш фоиз қўшимча ҳақ.



Зубайдулла институтга ҳужжатларини топширди. Тайёргарлиги, билими яхши эди. Аксига олиб, ўша йили ўрта мактабни бир йўла ҳам ўнинчи, ҳам ўн биринчи синфларини битириб, ўқишга кирувчилар кўпайиб кетдими, унинг омади келмади. Конкурсдан қайтаришди.

Энди нима қилади? Ўқишга киролмадим, бўлмади, деб ҳаёт измига бўйсуниб кетаверадими! Бирор касб-корнинг барини тутадими? Зубайдулланинг оилавий шароити ҳам яхши эмасди. Отаси Абдулла бобо Раззоқов умр бўйи жамоа хўжалиги даласида кетмон чопиб, рўзғор тебратарди. «Менинг савобим йўқ, сенлар ўқиларинг, болам!», дея такрорлашни канда қилмасди. Укалари ёш. Ҳаммаси айни еярманкиярман. Отаси рўзғордан орттириб, шаҳарга кетган ўғлига пул беролмасди. Буни Зубайдулланинг ўзи яхши тушунарди. Шунинг учун у вилоят босмахонасига ишга кирди.

Келгуси йили у табииёт факультетининг сиртқи бўлимига ҳужжат топшириб, ўзини синаб кўрди. Ўз аравасини ўзи тортишга, имкони борича уйга ёрдам беришга аҳд қилди. Биринчи имтиҳондан аъло баҳо олди. Ўзиям ўқитувчиларнинг бири қўйиб, бошқаси саволга тутди. Имтиҳондан ўтгач, уйига ошиқди. У қилган ишимдан отам хурсанд бўладилар деб ўйлаганди. Йўқ, аксинча бўлиб чиқди.

— Сиртқи деганинг нимаси? — сўради отаси ҳайрон бўлиб.

— Ишлаб ўқиш дегани, — тушунтирди Зубайдулла. — Ҳар йили бир ой, қирқ кун ўқийман. Қолган пайт ишлайвераман.

— Шу тарика ўқиб илмли бўлмоқчимисан? — ўғлига синчков назар ташлади ота ва оҳиста бошини чайқаб давом этди. — Ё ўқиш, ё ишлаш керак, ўғлим. Бунда ора йўлда қолиб кетасан!

Зубайдулла отасининг сўзини икки қилолмади. Эртасига институтга бориб ҳужжатларини кундузги бўлимга топширди...

— Ие, сен бу ерда нима қиласан? — имтиҳон олаётган домла Раҳмат Шоймардонов уни кўриб ҳайрон қолганди. Раҳмат Аҳмедович (у ҳозир профессор, БДУ проректори) сиртқига кираётган абитуриентлардан ҳам имтиҳон олган ва Зубайдулланинг тайёргарлигини роса чиғириқдан ўтказиб кўрган, кескин, аниқ жавоблари яхши таассурот қолдирганди.

— Отам сиртқи ўқишимга норози бўлдилар, — деди Зубайдулла имтиҳон варақасини узатаркан.

— Отанг тўғри айтибдилар. Сиртдан ўқиб чуқур илм олиш қийин, — деди Раҳмат Аҳмедович ва ёнида ўтирган қабул комиссияси аъзоларига юзланиб давом этди. — Бу бола қори бўлиб кетган. Сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Хўп десангизлар, «5» қўйиб берамиз...

Бу гапларга ҳам мана, салкам ўттиз йил бўлибди. Бу орада қанча сувлар оқиб ўтмади. Зубайдулла Раззоқовичнинг ҳаётида қанча ўзгаришлар бўлмади, дейсиз. У Бухоро давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатди. Дастлаб иш тополмай, анча овора бўлди. Кейин ўзи туғилиб ўсган қишлоғи — Бухоро туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Мижона қишлоғидан хийла олисдаги 7-мактабда ўқитувчилик қилди. Ўзини кўрсатди, маориф соҳасида кўп йиллар ишлабқўйди. Ниҳоят, ўн уч йил муқаддам кўпчиликнинг таклифига кўра туман халқ таълими бўлими мудирлиги лавозимига қўйилди.

Зубайдулла Абдуллаев ишни тармоқдаги аҳволни чуқур ўрганишдан бошлади. Қараса, кўпгина мактабларнинг бинолари эски, шароити ёмон. Одатий ҳол. Бунинг устига, икки сменалик мактаблар анчагина. Қўшимча бинолар зарур. Моддий техника базаси заиф. Энг ачинарлиси, кўпчилик мактабларда «ўлик жонлар» борлигини пайқаб қолди. Айтайлик, бир синфда 40 нафар ўқувчи таҳсил кўради. Ҳисоботларда эса бу миқдор 60 деб кўрсатилган. Синф журналлари билан солиштириб текширилганда, туман бўйича шу тарика 1 минг 800 бола сони қўшиб ёзилганлиги, қоғозда бору ўзи йўқ синфлар аниқланди. Оқибатда, давлатнинг қарийб 2 миллион сўм маблағи беҳуда сарфланган. Нима қилсин? Шу масалани кўтарсинми? Бу ишнинг бошида турганлар, хайрихоҳлик қилганлар қандай қараркин? «Ўлик жонлар» фош этилгудай бўлса, 60 та синф қисқариб, 120 муаллим ишсиз қолади деган гап.

*Таълим фидойилари*

## ИШ БОТИРИ

### (Очерк)

Ҳаётда шундай ҳолатларга дуч келасанки, қатъиятли бўлишинг, узоқни кўра олишинг, бир сўзлилик қилишинг керак. Бу жамиятдагиўрнинг, қиёфангни белгилаб беради.

Шуларни ўйлаб мудирнинг боши қотди. Турли мушоҳадаларга борди. Ниҳоят қатъий фикрга келди. Бу масалани халқ таълими бўлимининг кенгайтирилган кенгаши муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Кенгашда муҳокама кутилмаганда кескин тус олди. Мудирнинг «ўлик жонлар» ҳақидаги гаплари айрим мактаб раҳбарларига оғир ботди. Улар зўр бериб, ўзларини оқлашга уриндилар.

— Юқоридан қўйилган чеклашлар туфайли шундай қилганмиз, — деди директорлардан бири сўз олиб. — Бизда ўтган йили биринчи синфга 50 ўқувчи қабул қилинди. Биламизки, вилоят бошқармасидагилар қоида бўйича ҳар синфда камида 30 нафар бола бўлиши керак, деб 2 та синф очишга рухсат беришмайди. Битта синфга эса бунча ўқувчи кўплик қилади. Нима қилайлик, ҳисоботларга бу рақамни 65 та кўрсатиб, 2 та синф очдик.

— Лекин давлатнинг маблағи-чи? — деди мудир босиқлик билан. — Қолаверса, шу масалани бирор жойда рўй-рост кўтарганмисиз?

Директордан садо чиқмади. Шундан кейин бошқалар ҳам фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Мунозара, савол-жавоблардан сўнг айрим директорларнинг кўр-кўрона иш тутганлари, режа, кўрсаткичлар ортидан қувиб, сохтакорликка йўл қўйганлари, зарур пайтда қатъиятлилик етишмасдан муросасозликни афзал кўрганликлари маълум бўлди. Кенгаш қарори билан 50 тадан ортиқ «қўшиб ёзишга» йўл қўйган 9 нафар мактаб директори

Давоми 3-бетда

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Жаҳон спортини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва олимпия ўйинларини қайта тиклаган Пьер Де Кубертен ишлаб чиққан олимпия идеалларига садоқати учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Олтин Олимпия ордени билан мукофотланди. Элликдан ортиқ кишигина сазовор бўлган бу ноёб орденни топшириш маросими Лозанна шаҳрида бўлди. Юксак мукофотни Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч топширди.

Маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, жумладан: «Тинчлик ва одамларнинг бирлашуви рамзи бўлган олимпия ўйинларининг табиатида спортчиларни уларнинг миллати, ирқи ёки динидан қатъи назар, бир-бирига яқинлаштиришнинг катта имкониятлари мавжуд»,— дея таъкидлади.

⊛ Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов Индонезиянинг «Бакри групп» компаниялари гуруҳи президенти Абуризал Бакрини қабул қилди. Унда турли жабҳалар, айниқса, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик алоқаларининг ҳозирги аҳволи ҳамда истиқболи ҳақида гап кетди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан Ўзбекистон ФАга 1996 — 2000 йилгача мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 20 томлик асарлари тўпламини тўлиқ нашр этиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, шоир номи билан боғлиқ қадамжоларни ободонлаштириш, таъмирлаш ишларини жонлантириш тадбирлари ҳам фармойишда таъкидлаб ўтилган.

⊛ Тошкент давлат аграр университетида «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

⊛ Сўнгги ярим аср давомида америкаликлар 39 мамлакатга плутоний экспорт қилган. Американинг европалик ҳамкорлари— Буюк Британия, Франция, Бельгия ва ГФРга умумий экспорт ҳажмининг салмоқли қисми тўғри келади. Вашингтон бу сирни фош қилар экан, ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам бу тантиликка эргашади, дея умид қилмоқда.

⊛ Ироқ ўз нефтининг маълум бир қисмини озиқ-овқат ва тиббий дори-дармонларга тўлов учун сотишга БМТ билан музокараларни бошлади.

⊛ Шанхайда уч йил кетма-кет ўлимнинг туғилишдан кўпайиб кетаётганлиги жиддий демографик кризисини юзага келтирди. Мутахассисларнинг фикрича, бунга кўп йиллардан буён ХХРда оилани режалаштириш борасида олиб борилаётган қаттиқ сиёсат сабаб бўлган.

*Тадбиркорлик*

## ЙИГИРМАНЧИ ГИЛАМ САВДОГА ЧИҚДИ

«Изласанг имконият топасан» деганлари ҳақ гап экан. Муборак тумани 13-ўрта мактаб жамоаси ички имкониятлардан келиб чиқиб, дастлаб биттагина гилам тўқиш дастгоҳини ясадилар. Муаллимлар, ўқувчилар имконияти даражасига қараб уйларидан ярим кило, бир килодан қилиб жун олиб келишди. Бу хомашёни меҳнат дарсларида қизлар урчуқда йигириб, ипларга ранг бердилар. Меҳнат ўқитувчиси Ферузахон Ҳамроева раҳбарлигида илк бор биринчи гиламни тўқиб, савдога қўйилди. Иш аста-аста ривожланиб борди. Гилам тўқиш дастгоҳлари сони 3 тага етди, тажриба ҳам ошди, хомашё олиш учун маблағ ҳам топилди. Мана яқинда ўқувчи қизлар ўзларининг йигирманчи «Араби гилам»ни (оғирлиги ҳам роппа-роса йигирма кило, ранглари очиқ, пишиқ тўқилган) тўқиб бўлишди. Махсус гуруҳ бу гиламга бир ярим минг сўм нарх қўйди...

«Гиламчи қизларга ҳам ҳақ тўлайсизми?» деган саволимизга 13-мактаб раҳбари Ғани ака Намозов шундай жавоб берди:

— Ҳар бир гилам сотилгач, ўқувчилар ҳузурида ана шу гиламдан тушган соф фойда аниқланади. Сўнг фойда тенг иккига бўлинади. Ярми мактаб ҳисоб рақамига, ярми эса гиламчи қизларга берилади. Тўғриси, ўқувчи қизлар кўп ҳолларда пулларини олмасдан, ўша пуллари ҳисобига Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива каби қадимий шаҳарларга саёҳат уюштириб беришимизни сўрайдилар. Биз уларнинг талаб-истакларини ўз вақтида бажариб келаяпмиз. Мактаб ҳисобига ўтказилган маблағдан эса биз аълочи ўқувчиларимизга стипендиялар берамиз, оммавий тадбирларимизда мукофотлар қўямиз, кам даромадли оила фарзандларига ёрдам уюштирамиз.

Мактабнинг Лола Аҳмедова, Раъно Тўраева, Саодат Муродова, Элмира Тошева, Наргиза ва Маруса Эроновалар сингари кўплаб ўқувчи қизлари мактаб партасидаёқ пул билан ўлчаб бўлмайдиган касбкорни, гилам тўқиш санъатини мукаммал эгаллаб олаётганликлари бизни жуда қувонтирди.

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**«Маърифат» мухбири.**

## МАКТАБДА ИЧКИ НАЗОРАТ

Республика Таълим илмий-методика марказида Ўзбекистон темир йўллари бошқармасига қарашли мактаблар директорларининг «Табиий фанларни ўқитишда мактаб ички назоратини ташкил қилишни йўлга қўйиш» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. РТИММ директори Ҳ. Бобобеков анжуманни очар экан, йиғилганларни марказнинг бугунги фаолияти ва режалари билан таништирди.

Кенгаш иштирокчилари мактаб ички назоратини ўрнатишнинг ўзига хос йўналишлари ҳақида фикр алмашдилар, бу борада муайян мезонларга келишиб олишди. Шунингдек, янги турдаги ўқув муассасаларини ташкил қилиш ва уларни бошқариш хусусида ҳам фойдали мусоҳаба бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари, бундай кенгашишлар иш фаолиятига катта ёрдам беражагини, шу боис, тез-тез учрашиб туриш кераклигини таъкидладилар.

М. НАЖМИДДИНОВА.

## МММ ХАБАРЛАРИ

### «НОДИРАБЕГИМ» САҲНАДА

*Мумтоз шоира Нодирабегимнинг ҳаёти, унинг яратган улкан мероси ва тақдири, мана юз йилдирки, ижодкорларни ҳаяжонга солиб келади. Шаҳрихон шаҳридаги Обид Содиқов номидаги 2-лицей мураббийлари ва талабалари маҳаллий муаллиф қаламига мансуб «Нодира-бегим» драмасини саҳнага олиб чиқишди. Нодирабегим — Моҳларойимнинг ёшлик чоғлари, Амир Умархон билан ўтган сурурли дамлари, кейинги аянчли тақдири қаламга олинган мазкур саҳна асари театр шинавандалари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди.*

### ТАКОМИЛ САРИ

*7-9 февраль кунлари Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида жамоат жам бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти ва йирик олимлар иштирокида Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда ЎзФА бирлашган касаба уюшмаси фаолларининг икки кунлик регионал ўқуви бўлиб ўтди. Йиғилиш касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланди. Фаоллар ўқуви якунида тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.*

### БОҒЧА-МАКТАБ

*Бойсун шаҳридаги «Қуёшча» болалар боғчаси қошида 7 та бошланғич синф ташкил этилди. Туман миқёсида илк бор ташкил этилган ушбу боғча-мактабда айни кунда ўқувчилар барча қулайликлар яратилган синфхоналарида сабоқ олмоқдалар.*

*— Мақсадимиз кичкинтойларга ва ўқувчиларимизга замон талаблари асосида таълим-тарбия бериш, — дейди боғча-мактаб мудираси Муслима Болтаева.*

### НАВОИЙДАН НАВО ТУЗИБ...

*Тошкентдаги Нафис санъат лицейида бобокалон шоиримиз Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллиги ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Таниқли навоийшунос олимлар Баҳодир Саримсоқов, Эргаш Умаров, Сафъиддин Рафъиддинлар шоир шахсиятига, унинг асарларига оид теша тегмаган фикрларни ўқувчилар билан ўртоқлашди.*

*Лицей талабалари ҳамда Навоий вилояти Кармана шаҳри ўқувчилари ўртасидаги беллашув Навоий асарларининг умри ҳамиша боқий эканлигини яна бир бор кўрсатди.*

### ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ

*Марҳамат туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги 24-ўрта мактабда «Мактаб— миллийлик ўчоғи» деган мавзуда директорлар кенгаши бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими бўлими ходимлари, мактаб директорлари, ташкилотчилар ва мактабгача тарбия муассасаларининг мудирлари иштирок этдилар.*

*Кенгаш қатнашчилари 31-ўрта мактабда амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишдилар, ўқитувчиларнинг очиқ дарсларига кириб, фикр алмашдилар.*

### «ЮРТ МАДҲИ» БИРИНЧИ

*Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги шарафига ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови Муқимий номли Қўқон давлат педагогика институтида ҳам бўлиб ўтди. Танлов Низомига кўра қатнашувчиларнинг ёши, касби чегараланмаганлиги учун унда ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам қатнашдилар.*

*Кўрик-танловда мусиқа кафедраси ўқитувчиси, республикада таниқли хонанда Мухторжон Бойматов «Юрт мадҳи» қўшиғини (Ж. Умаров шеъри, Ғ. Нажмиддинов мусиқаси) ижро этиб, биринчи ўринни эгаллади.*

### САХОВАТ

*Шаҳрисабз туманидаги 39-ўрта мактабда узоқ йиллар ўқитувчилик қилган Шариф Воҳидовнинг (марҳум) фарзандлари ушбу мактабни оталиққа олишди. Улар мазкур билим масканини ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар, техника воситалари ва спорт анжомлари билан таъминлашга қарор қилишди. Ўн тўрт нафар аълочи ўқувчига ҳар ойига 200 сўмдан стипендия тайинланди. Спорт иштиёқмандлари учун эса теннис корти ускуналарини олиб бериш мўлжалланмоқда.*

*Сиртқи дарс*

# 7. АМИР ТЕМУР САРОЙИ НАФИС САНЪАТ АКАДЕМИЯСИ

Дарснинг мақсади:

1. Амир Темурнинг юксак ва нозик дид эгаси эканлигини англатиш.
2. Амир Темур саройи ҳунар аҳли ҳақида тушунча бериш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти:

Амир Темур даври тасвирий санъатининг ва меъморчилик иншоотларининг жаҳон тасвирий санъати ютуғи эканлигини тушунтириш орқали ўқувчиларни гўзалликни ҳис этишга даъват этиш, ундаш, тарбиялаш.

Дарс жиҳози: Гўри Мир, Шоҳи Зинда, Оқсарой,Аҳмад Яссавий мақбараси, ўша давр тасвирий санъати намуналари, альбомлари.

Дарс режаси:

1. Амир Темур чорбоғлари безаги.
2. Амир Темур даври тасвирий санъати манбалари.
3. Амир Темур даври наққош, мусаввир, хаттотлари.

Маълумки, Ҳазрати Соҳибқирон ўз пойтахти атрофида ўн иккита чорбоғ, еттита қасаба — йўлдош шаҳарчалар бунёд этиб, уларнинг қасри деворларини тасвирлар билан безатган. Чорбоғларнинг безаги ҳақида Ибн Арабшоҳ қуйидагиларни ёзади: «Бу қасрларнинг қай бирига ўз мажлисларини, ўз суратини турли ҳолатларда: бирида кулиб турган, иккинчисида қаҳрланган, ўз жанглари тасвирларини, расмий тантаналардаги суратларини; подшоҳлар, амирлар, саййидлар, уламолар ва улуғлар билан суҳбат қурган мажлисларини; султонларнинг унинг ҳузурида қўл қовуштириб туришларини, хизмат юзасидан бошқа мамлакатлардан ҳузурига келган уларнинг подшоҳу султонлари вакилларини, ўзининг ов жирғалари ва яширин қайдларини, Ҳинд, Дашти Қипчоқ ва Ажам жангларию ўз зафарлари суратини, душманларининг қай аҳволда енгилиб қочганини, ўз авлодлари, набиралари, амирлари, қўшинлари суратларини, айшу ишрат мажлислари ва шароблари қадаҳларию соқийларини, ўз улфати, қўшиқчилари, турли мақомдаги ғазалхонлик куйчилари, ҳузуридаги севгилиларию пок хонимларнинг ва булардан бошқа унинг бир-бирига ўхшаб, уланиб кетган, унинг бутун умри мобайнида ўзга мамлакатларда воқеъ бўлган ҳодисалар суратларини тасвирлатди. Булар ҳаммаси ҳеч бир ноқиссиз ва муболағасиз, қай тарзда юз берган бўлса шундайлигича акс эттирилди. Бундан мақсади ўзининг ишларидан ғойибона хабардор бўлиб, уларни ўз кўзи билан мушоҳада этмаганларга яққол намоён қилиб кўрсатиш эди».

Шаҳзода Мироншоҳнинг Бекаси султон деган қизига атаб ҳазрати Соҳибқирон шаҳарнинг шимол тарафида бир чорбоғ қурдирди. Чорбоғ 1397 йилнинг мартида бир ярим ой деганда қуриб битказилди. Чорбоғнинг тўрт руккнини қуриш иши тўрт амирга тайин этилди. «Ҳар саркарда мамлакат устодлари ва кишвар ҳунарварларини тайинлади. Ҳар рукнга мармар устуни ўрнатилди. Девори сатҳини ложуворд ва зар билан чунон турфа ва зебо мунаққаш қилдиларки, унинг тароватидан Моний «Аршанги» ва Чин нигорхонаси чеҳрасига хижиллик сояси тушди. Саҳнига мармар ва кўҳинур тошидан шундай тўшадиларки, латофатидан мадҳушу оқил ҳушини олди. Ташқи девори изорасини кошин билан қопладилар. Муқаддас руҳ «Ёмон кўздан асрагай!» деб дуо ўқиди». (Шарафуддин Али Йаздий).

1969 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО бўлими ташаббуси билан Самарқандда ўтказилган Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро илмий Симпозиуми муносабати билан чоп этилган санъат асарлари каталогида Амир Темур даврида безатилган нафис битик китоблардан қуйидагилар қайд этилади:

1398 йида хаттот Мансур ибн Муҳаммад Варқа кўчирган Тазкира. Самарқанд атрофи табиати манзараларини акс эттирган 12 та тасвир бор. Истанбул Мусулмон санъати кошонасида сақланади.

1396 йилда Амир Темур саройи хаттоти Хожа Мирали ибн Илёс Табризий кўчирган, Жўнайид наққош тасвирлар билан безаган Хожу Кирмоний (1281—1352)нинг «Хамса»си. Британия музейида.

1950 йилда чоп этилган Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг Туркия музейларида сақланаётган нафис китоблар каталогида Амир Темур ва унинг авлодлари суратлари, уларнинг ҳаётлиги чоғида чекилган портретлари мавжуд бўлган қуйидаги муроққа ва битик китоблар қайд этилган:

44 та тасвир жамланган Муроққа. Мусаввирлар — Муҳаммад ибн Султон Муҳаммад Нур, Шайх Пуроний.

1404 йилда жамланган Муроққа, 101 саҳифа. Мусаввир ва наққошлар: Муҳаммад ибн Абдулҳай, Мирали Табризийнинг ўғли Шаҳобуддин Абдулла Ҳаравий.

15 та тасвирдан иборат Муроққа. Амир Темур саройи мусаввири «Нодируласр» лақабини олган Аккос Кепак Ҳаравийнинг мўйқаламига мансуб Соҳибқирон портретлари мавжуд.

96 та тасвирдан иборат Муроққа. Мусаввирлар: Муҳаммад Сиёҳқалам ёки Ҳожи Муҳаммад, Дарвеш Муҳаммад, Абдулҳай.

1378 йилда кўчирилган, 75 та тасвири бўлган Низомий Ганжавийнинг «Хамса» нусхаси. Уларда Шоҳмуҳаммад ва Шайх Муҳаммад мусаввирларнинг имзолари мавжуд.

Кастилия қироли элчиси Рьюи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича Самарқанд шаҳрида ўшанда минг нафар ҳунар эгаси ижод билан машғул бўлган.

Мазкур тафсилотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Амир Темур қурдирган ҳар бир чорбоғ қасри ўзига хос бир санъат нигорхонаси бўлган. Бундан ташқари Ҳазрати Соҳибқирон даврида безатилган нафис китобларнинг бизгача етиб келганлари нафосатда тенгсиз санъат асарларидир. Уларнинг бунёдкорлари сўзсиз баркамол устодлар бўлганлар. Демак, Самарқандда қадимдан «Мусаввирлар маҳалласи бўлгани» (Г. А. Пугаченкова эътирофи) Амир Темур даврига келиб эса унинг Нафис санъат академиясига айлангани шубҳасиздир.

XIV аср ўрталарида Чиғатой улусида сиёсий буҳрон авж олиб турганда Ироқда ҳокимият илмпарвар султон Увайс жалойир (1356—1374) қўлига ўтади. Чиғатой улусидан олиму фозиллар унинг пойтахти Бағдодга кўчиб кела бошлайдилар. Бунинг устига Озарбайжон, Табриз, Мўсул, Диёрбакр сингари маданият марказлари Султон Увайс давлатига қўшиб олинди. Султон Увайс вафотидан кейин Амир Темур Хожа Абдулқодир Мароғий, Сайфуддин, Абдулмўъмин, Қутбиддин Нойийларни Самарқандга келтирган. 1393 йилда Бағдод юриши вақтида Абдулҳай мусаввир ва Мавлоно Шамсиддинларни саройига келтиради. Ироқ тахтига эса Султон Аҳмад жалойирни ўтқазади (1393—1401).

Амир Темур саройида Умдатул-мусаввирин (Мусаввирлар пешвоси) лақабли устод Жаҳонгирнинг устози Устод Гунг ижод қилган. Устод Жаҳонгир Пир Саййид Аҳмад Боғишимолийга устозлик қилган. Камолиддин Беҳзод шу Пир Сайид Аҳмад Боғишимолийдан мусаввирлик ва наққошлик сирру синоатларини ўрганган. Буни кўпчилик муаррихлар эътироф этадилар. Олдинги сабоқда биз Амир Темурнинг Самарқанд атрофида ўн икки чорбоғ қурдиргани ва улардаги қасрлар турли мазмундаги деворий тасвирлар билан безатилгани ҳақида гапирдик. Бу чорбоғлар қасри деворларига тасвирлар чеккан наққошу мусаввирлар пешвоси шу Пир Саййид Аҳмад Боғишимолий бўлган.

Мусаввир Абдулҳай устод Шамсиддиннинг шогирди эди. Берлинда сақланаётган бир муроққада Абдулҳайнинг мўйқаламига мансуб икки тасвир мавжуд: ўрдак тасвири ва жанг манзараси. Мазкур тасвирлар тўлақонли ва ҳаққоний чиққанлиги билан кишини ҳайратга солади. Парижда Ротшильд мажмуасида сақланаётган Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асари нусхасида ҳам Абдулҳай чеккан тасвирлар мавжуд. Битик 1486 йили Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. Унда учта тасвир бор. Тасвир ҳошиясидаги ёзувга кўра уларнинг бири Абдулҳайники, иккитасини эса Беҳзод чеккан. Абдулҳайга мансуб тасвир «Туя минган сайёҳ ва пиёда дервеш» деб номланади.

Тасвирда саҳро, сарғиш қум, у ер-бу ерда ўтлар, тиканлар. Икки чайла ва очиқ эшикли ўтов бу жойнинг кўчманчилар овули эканлигидан далолат беради. Тасвир марказида югуриб кетаётган туя, унинг устида оёқлари осмонда бўлиб қолган сайёҳ. Унинг ағдарилиши тўсатдан бўлгани ҳаққоний тасвирланган, салласи елкасига ўралиб қолган. Овул аҳли бу ҳолдан турлича таъсирланган: ёш жувон қўрқувдан ўзини орқага ташлаган, унинг гилам устидаги эри қўлидаги чўп билан сайёҳни кўрсатиб турибди. Қўлида ўқ-ёйи бор эркак билан ёш бола қўл чўзишиб саросима билан боқмоқдалар. Фақат икки бола ўйинга берилиб кетиб, воқеадан бехабар қолган. Чайла орқасида бир киши ва ўрта яшар бир аёл эшагини суғормоқда. Чап бурчакда эшак минган дарвиш бу ҳодисани бамайлихотир кузатиб келмоқда. Ёнидаги хизматкори ҳайрат бармоғини тишлаган. Тасвирда кишилар руҳий ҳолатини очишга уриниш бор. Абдулҳай наққош 1402 йили вафот этган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур саройида бир қўлли хаттот Умар Ўкта ижод этган. Нақл қилишларича, у Амир Темур учун бир Қуръон кўчиради. Бу нусха шунчалик мўъжаз эдики, ёнгоқ пўстига жо бўларди. Амир Темур унинг қилни қирқ ёрадиган истеъдодига қойил қолади. Лекин ўз ҳайратини сездирмасдан лутф айтади: — Сен тангри таоло сўзларини бу даражада майда хатда битишга қандай журъат этдинг?! — Шундан сўнг Умар Ўкта ҳазрати соҳибқирон учун Қуръоннинг бошқа нусхасини тайёрлашга киришади. Бу нусха шунчалик катта ҳажмда эдики, ҳар бир ҳарфи ярим газ (52 см) келар эди. Умар Ўкта уни улкан аравага ортиб Амир Темурнинг Кўксаройига равона бўлади. Бундан хабар топган Амир Темур ўз аъёнлари билан унга пешвоз чиқиб, эҳтиром билан қарши олади. Хаттотни туҳфаси учун бир умрга етарли олтин билан тақдирлайди.

Пир Аҳмад Боғишимолий 1397 йили Боғи шимол чорбоғини қураётганда навқирон йигит бўлганини инобатга олсак, у 1370 йилларда туғилган бўлиб чиқади. Тарихчилар уни 50 ёшларда вафот этган деб ёзадилар. Шунга кўра у 1420 йилда вафот этади.

Петербург ДХКда Абдураҳмон Жомийнинг 1529 йили кўчирилган «Силсилатуз-заҳаб» достони нусхаси (494-рақам) га Пир Аҳмад Боғишимолийнинг қаламига мансуб тасвир илова қилинган. Унда ов жараёни тасвирланади ва бу асар Г. А. Пугаченкова асарларида батафсил таҳлил этилади.

Санъатшунос Артур Поуп: «Оврупо ҳамон уйқуда чоғида ислом донишу ҳунари оламнинг ярмини илму урфон нури билан чулғаган эди»,— деганида, Амир Темур даври фани ва маданиятини назарда тутган эди.

Швед санъатшуноси Ф. Р. Мартин Амир Темур даврига доир тасвирий санъат намуналарини ўрганиш натижасида бу давр санъатини Бутун Осиёнинг эмас, балки бутун жаҳон санъатининг катта ютуғидир, темурийлар сингари санъатни қадрлаган ҳукмдорлар Марказий Осиёда бўлмаган деган хулосага келади.

АДАБИЁТ:

Дўстмуҳаммад. Ҳолати ҳунарварон. Ношири Муҳаммад Абдулла Чиғатоий. Лоҳур, 1936.

Али Аҳмад Наимий. Суратгарон ва хушнависони Ҳирот дар асри Темуриён (Темурийлар даври Ҳирот мусаввир ва хаттотлари) Кобул, 1950.

Кози Аҳмад Қумий. Тазкирайи хушнависон ва наққошон. Русчага таржима, М.Л. 1947.

Мартин Ф. Р. Темур даврига доир миниатюралар. Вена, 1927. (Инг. тил).

Шчукин И. Темурийлар даври китоб тасвирлари. Париж, 1954.

Наим Норқулов, Илёс Низомиддинов. Миниатюра тарихидан лавҳалар. (Темурийлар даври нафис китоб санъати) Т. 1970.

**Наим Норқулов,**
**тарих фанлари номзоди.**

*«Тарбиячи-96» кўрик-танлови*

# ДИЛФУЗАНИНГ МАҲОРАТИ

Ғаллаорол туман халқ таълими бўлими, касаба уюшма қўмитаси ва туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан боғча тарбиячилари ўртасида «Тарбиячи-96» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қизиқарли ўтган ушбу баҳсда туман боғчаларидан 8 нафар тарбиячи қатнашиб, ташриф, педагогик-психологик ҳолатдан чиқиш, эркин мавзу шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Ҳар учала шартни ҳам қиёмига етказиб ижро этган 25-боғча тарбиячиси Дилфуза Холматова 52 балл тўплаб кўрик-танлов ғолиби бўлди. Шунингдек, 2-боғча тарбиячиси Гавҳар Қурбонова, 4-боғчадан Фотима Исломова, 1-боғчадан Нигора Ўринбоева, 7-боғчадан Шоира Носирова, 24-боғчадан Холниса Назаровалар ташриф ва эркин мавзу шартларини маҳорат билан адо этдилар. 50 балл тўплаган Н. Ўринбоева иккинчи, 45 балл тўплаган Ш. Носирова учинчи ўринни эгаллади.

Туман халқ таълими бўлими мудири муовини Р. Холбеков, касаба уюшма қўмитаси раиси А. Шакарбоев, туман ҳокими муовини хотин-қизлар қўмитаси раиси З. Қосимова ғолибларга фахрий ёрлиқ ва пул мукофотларини топширдилар. Ҳомий ва оталиқ ташкилотлар томонидан эса баҳс иштирокчиларининг барчасига қимматбаҳо буюмлар совға қилинди. Ғолиб Дилфуза Холматова энди яқинда вилоятда ўтадиган кўрик-танловда иштирок этади.

**Абдуваҳоб ҒИЁС.**





*

Тажрибали муаллима Ҳалимахон Абдуғоффорова беш йилдирки, Наманган шаҳридаги Аҳмад Яссавий номидаги 5-ўрта мактабда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани бўйича сабоқ бериб келаётир. У ҳар бир дарсни мазмунли, қизиқарли ўтганлиги боис, 8, 9, 10, 11-синф ўқувчилари мазкур фанни зўр иштиёқ билан ўрганишмоқда.

СУРАТДА: Ҳалимахон Абдуғоффорова ўқувчилар билан навбатдаги машғулотни ўтказаётир.

**Т. МАҲКАМОВ олган сурат.**

*

*Мактабдан мактуб*

# ЯХШИЛАР ОРАМИЗДА

Қарши туманидаги Боборaҳим Машраб номли 19-ўрта мактаб нафақат туман, балки вилоят миқёсида ҳам намунали мактаблардан бири ҳисобланади. Бошланғич синф ўқитувчиси Норхол опа Ашированинг бу мактабда ўз ўрни бор. Болажонларнинг меҳрибон мураббияси мана 31 йилдирки, ёш авлодга пухта билим бериб келади. Норхол опа дарсларни намунали, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтади. Унинг ҳар бир ўтган дарс соати қизиқарли ва сермазмун. Шу сабабдан бўлса керак, унинг синфида фанлардан ўзлаштириш жуда яхши, болаларнинг хулқи намунали.

Норхол опа юзлаб шогирдлар етиштирган. Улар туман, вилоят миқёсида халқ хўжалигининг турли соҳаларида виждонан меҳнат қилмоқдалар. Опанинг ўзи таълим берган ўқувчиларидан ўндан ортиғи эса, ўқитувчиликдек шарафли касбни эгаллаб, айни вақтда у билан ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар.

Ҳа, Норхол опадек ёшлар тарбияси йўлида фидойи, куч-ғайрати, борлиғи, меҳнатини аямайдиган ажойиб педагогларнинг жамоа орасидаги обрўси, барчага намуна бўладиган ишларини кўриб, «Сизга таъзим ва минг тасанно, меҳрибон устозлар!» дегингиз келади.

**Абдуғани ЛАТИПОВ.**

# ИШ БОТИРИ

## (Очерк)

Боши 1-бетда

вазифасидан олинди.

Зубайдулла Раззоқович оқшом уйига қайтар экан, бугунги кенгаш тафсилотини ўйларди. Тўғри-да. Нега юқоридагилар баъзан турли кўрсатмаларга ёпишиб оладилар? Нега мавжуд аҳвол билан ҳисоблашмайдилар? Беихтиёр ўзаро тажриба алмашиш учун Россиянинг Ульяновск вилояти Корсун туманига борганини эслади. Битта саккиз йиллик мактабда атиги 18 бола ўқиркан. Бир синфда 3 та ўқувчи. Бизда-чи?! Бизда...

Мудир синфлар сонини тасдиқлаш масаласида вилоят халқ таълими бошқармасига борганида яна шу масала кўтарилди.

— Бир синфда қоида бўйича камида 30 ўқувчи бўлиши керак, — қатъий туриб олди бошқарма бошлиғининг муовини.

— Нега қуруқ қоғозга ёпишиб оламиз? — деди асабийлашиб Зубайдулла Раззоқович. Сўнгра Ульяновскда кўрганларини айтиб, муовинга ўз фикрини ўтказишга уринди. Менимча, вазиятга қараб иш тутиш керак.

— Бизга кўрсатма асос, — барибир ён бермади муовин.

— Ахир, синфлар, таълим-тарбия харажатлари туман бюджети ҳисобидан берилса, болалар туман халқиники бўлса, маҳаллий раҳбарлар буни маъқулласа-ю сизларга қандай оғирлиги тушади? — деди мудир бироз қизишиб.

Охир масалага бошқарма бошлиғи аралашди. Бошлиқ Зубайдулла Раззоқовичнинг фикрини маъқуллади.

* * *

Кўпинча раҳбар ҳақида мақола ёки очерк ёзиш ўринсиздай туюлади. Раҳбар-да! Асосий ишни оддий кишилар қилса. Оғирлик ўзгалар зиммасида бўлса. Лекин ҳамма гап раҳбарга боғлиқлигини англамай иложимиз йўқ.

Бухоро туман халқ таълими тизимида кейинги ўн йиллар мобайнида юз берган туб ўзгаришлар ҳам бевосита Зубайдулла Абдуллаевнинг тадбиркорлиги, жонкуярлиги, узоқни кўра олиши билан изоҳланади. Биз юқорида қўшиб ёзишлар фош этилиши оқибатида 60 та синф қисқариб, 120 муаллим ишсиз қолганини айтиб ўтган эдик. Мудир ўқитувчилар тақдирига бефарқ қарамади. Ахир, уларнинг ҳам оила, бола-чақаси бор. Ишлаб келишаяпти. Бекор қўйиб бўлмайди-ку! Дарс соатларини қисқартириб, бошқаларнинг ҳаққига шерик қилиш ҳам инсофдан эмас. Мудир, аввало, ўқувчиси кўп бўлган синфлар ҳисобига янги синфлар ташкил қилди. Бир синфда 30-35 эмас, 20-25 нафар бола ўқиганига нима етсин. Ўқитувчи ҳар бир болани назоратда сақлаш, дарс давомида билимини синаб кўриш, у билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу иш таълим самараси ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек, ёш техниклар, ўлкашунослар масканлари ташкил этилди.

Зубайдулла Раззоқович маорифчиларга раҳбар бўлиб ўтгандан сўнг аҳволни чуқур ўрганиб, ўз олдига туманда бир сменали ўқишни ташкил этиш, синфларда болалар сонини кўпайтиришни, бош мақсад қилиб қўйганди. Шунинг учун у бу йўналишга эътиборни кучайтирди. Таълим-тарбия самарадорлигига эришиш омилларини шунда деб билди у. Ўтган давр мобайнида туманда 16 та мактаб, 2 та мактабдан ташқари муассаса, узлуксиз таълимни таъминлаш мақсадида 5 та мактаб-боғча барпо этилди. Янгидан ишга туширилган мактаблар қарийб 4 минг нафар болани бағрига олди. 376 ўқитувчи, 207 нафар хизматчи иш билан таъминланди. 125 та қўшимча синф хоналари қурилди. Синфларда болалар сони ўртача 35 нафардан 24 нафарга туширилди. Зубайдулла Раззоқович иш бошлаган даврда 80 фоиз мактабларда дарслар 2 сменада ўқитиларди. Ҳозир 93 фоиз машғулотлар биринчи сменада бўлаяпти. Келгуси йил бу рақамни юз фоизга етқазиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгач, табиийки, таълим-тарбия муассасалари олдидаги масъулият кучайди. Дунёга юз тутаётган мамлакатимиз истиқлолини таъминлаш, жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун, аввало, жаҳон андозалари асосида илм олган ёш авлодни тарбиялаш вазифаси қўйилди. Шунга жавобан Бухоро туманида ҳам иқтидорли болалар лицей-интернати фаолият бошлади. Бу даргоҳда ҳозирда туман меҳнаткашларининг 100 нафар фарзанди кимё, биология, физика, математика, иқтисод, инглиз тили йўналишлари бўйича сабоқ олмоқдалар. Лицейга тажрибали педагог Омон Зарипов раҳбарлик қилмоқда. Бундан ташқари, мактаб ва мактаблараро фанлар йўналишларидаги синфлар ташкил этилди. Дарсларда техника воситаларидан кенг фойдаланишга, ўқувчилар билимини тест синовлари асосида аниқлашга катта аҳамият берилмоқда.

— Ҳаким беморнинг касалини таҳлил қилгандан кейингина ташхис қўяди. Ташхис қанчалик аниқ ва асосли бўлса, даволаш шунча катта самара беради, — дейди Зубайдулла Раззоқович бола тарбияси хусусида. — Биз ҳам, аввало, ўқувчининг иқтидори, имконияти, қизиқишини аниқлаб, натижага қараб йўналтиришимиз зарур. Шундагина ишимиз самарали бўлади.

Туман халқ таълими фаолиятида бозор иқтисодиёти талабларига жавобан қилинаётган ишлар ҳам кам эмас. Халқ таълими муассасаларини ижтимоий ҳимоялаш, бюджетдан ташқари маблағ заҳираларини ташкил этиш мақсадида мактабларда 1 гектардан 5 гектаргача экин ерлари ижарага олинган. Бу майдонларда деҳқончилик қилинаяпти. Мактаб ер участкаларида мевали дарахт ниҳоллари ўстирилмоқда.

Туман халқ таълими бўлими ҳузурида хўжалик ҳисобида ишлайдиган «Маърифат» жамғармаси мавжуд. Авваллари туман тайёрлов идораси барча мактабгача тарбия муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминларди ва эвазига 20 фоиз қўшимча ҳақ оларди. Бунинг устига маҳсулот сотиб олингач, дастлаб тайёрлов идорасига келтирилар, баъзан бу ерда туриб қолар, кейин истеъмолчиларга элтиб бериларди. Бу орада унинг сифатига путур етарди. «Маърифат» жамғармаси ташкил топгач, бу ишни ўз зиммасига олди. Хизмат ҳаққи ҳам 20 фоиздан 10 фоизга қисқартирилди. Хўжаликларда етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ўша хўжаликлар ҳудудидаги мактабгача тарбия муассасаларига тўғридан-тўғри бериладиган бўлди.

Биз юқорида зикр этган далил ва рақамлар, кўрсаткичлар замирида туман ҳокимлигининг раҳнамолиги, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларининг хайриҳоҳлиги, қўллаб-қувватлаши ётади. Бу ишлар ҳеч муболағасиз ташаббускор, тадбиркор, янгиликка интилувчан инсон Зубайдулла Абдуллаевнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан амалга ошмоқда.

Яқинда ҳоким қарори билан «Бухоро туман халқ таълими жонкуяри» унвони ва кўкрак нишони таъсис этилди. Келгусида юқори кўрсаткичларга эришган халқ таълими ходими, маориф ишига кўмаклашган бошқа соҳа вакиллари ана шу унвон билан тақдирланадилар. «Маърифат» жамғармаси ҳисобидан уларнинг ойлик маошларига 15 фоиз қўшимча ҳақ тўланмоқда. Худди шу сингари «Халқ таълими фахрийси», «Халқ таълими ҳомийси» сингари унвонларни ҳам таъсис этиш борасида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилаяпти.

Туман халқ таълими бўлими барча кўрсаткичлар бўйича вилоятда пешқадам ўринлардан бирида. Ижодкор ўқитувчилар томонидан таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратилган янгиликлар жорий этилаётир. Айрим муаллимлар яратаётган дастур, услубий тавсияномалар, илғор тажрибалар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан маъқулланаяпти. Туман мактабларининг ўқувчилари вилоят, республика олимпиадаларига фаол қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

* * *

Мана, уч-тўрт йилдирки, ҳаёт бошқача мазмун касб этди. Фикрлар, қарашлар ўзгармоқда. Мустақиллик одамлардан янгича фикр юритишни тақозо қилаяпти. Халқ таълими тизимини янада яхшилаш учун нималар қилиш керак? Таълим-тарбия самараси нимага боғлиқ? Ҳар бир илм даргоҳида жаҳон андозаларига мос кадрлар тайёрлашнинг сири нимада? Илм олиш имкониятларини кенгайтириш омиллари борми? Зубайдулла Абдуллаев ана шулар ҳақида кўп ўйлайди. Уларнинг ечимини ахтаради. Дарсликлар, қўлланмалар, ўқув қуроллари, миллий маорифимиз моддий-техника базасини тўкис қуришни орзу қилади.

— Иқтисодий таълим асослари фани ўтилаяпти. Бу айни бозор муносабатлари талаби, — деганди у бир гал учрашиб, тизимдаги муаммолар ҳақида суҳбатлашганимизда. — Дастур бор, лекин дарслик йўқ. Ким қандай ишласа, шундай ўтаяпти. Ахир, бу билан нимага эришамиз?

Муаллим дарслик масаласида асло қийналмаса, ҳатто шахсий дарсликлар яратилса, муқобил қўлланмалар, дастурлар бўлса, дарсларда компьютерлардан кенг фойдаланиш имкониятлари яратилса, қандай яхши! Майли, пулга сотилса ҳам ҳар бир ўқувчи ўз дарслигига эга бўлсин! Ўқитувчиларнинг ижодий сафарларга боришлари, тажриба алмашишлари кенг йўлга қўйилса, муаллимларнинг иқтисодий шароитлари янада яхшиланса... Булар — Зубайдулла Раззоқовичнинг эзгу ниятлари. Имонимиз комилки, республикамиз иқтисодиёти кўтарилиб, яқин келажакда бу орзулар реал ҳақиқатга айланади.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», дея башорат қилиши ҳам ана шу қутлуғ мақсадларнинг устиворлиги, ҳаётий асосга эгалигидан далолатдир. Чиндан ҳам буюк келажакни ўзимиз яратамиз. Шубҳасиз, она-юртимиз истиқлоли Зубайдулла Абдуллаев сингари ўнлаб, юзлаб, минглаб ўз касбини дил-дилидан севадиган, ёниб яшаш умр мазмунига айланган, эътиқоди мустаҳкам, имони бутун инсонларга боғлиқ.

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**
**журналист.**

**Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатлари тобора ривожланаётгани сайин у билан боғлиқ кўпгина сўзлар ҳам тил бойлигимизга жадал кириб келмоқда. Бу сўзларни нафақат тижоратчи-ю тадбиркорлар, балки барчамиз билишимиз лозим. Айниқса чинакам шаклланган бозор иқтисодиёти даврида ўз иш фаолиятларини бошловчи ўқувчилар, талабалар учун мазкур «Ишбилармонлар луғати» (муаллифлар Нурислом Тўхлиев, Аҳмаджон Ўлмасов) алифбо вазифасини ўтайди.**

**Мингга яқин тушунча ва атамани ўз ичига олган бу луғат ишбилармонларга шу жиҳати билан аҳамиятлики, унда Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар ҳамда республикамизда ва МДҲ давлатларида фаолият кўрсатаётган биржаларнинг рўйхати ва манзилгоҳлари берилган.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

## А

АВАЛЬ, вексель бўйича кафиллик — 1) вексель эгаси олдида жавобгарлик; 2) вексельнинг ўнг бетида ёки унга илова қилинган варақда имзо шаклида ифодаланган банк кафиллиги.

АВАРИЯ, фалокат — ташиш жараёнида транспорт воситасига, юкка ва фрахтга етказилган зиён.

АВИЗО (итал. aviso) — банк, тижорат амалиётида ҳисоб-китоб ҳаракатларининг бажарилганлиги тўғрисида расмий хабарнома. Бир контрагент томонидан иккинчисига жўнатилади. А. ёрдамида банклар ўз мижозларини ҳисоб варақалари бўйича кирим ва кредит қайдлари, ҳисоб варақасидаги қолдиқ маблағлар, пул ўтказмаларини тўлаш, чек талабномаси, аккредитив очиш ва б. ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилади. Товар жўнатувчи (сотувчи) томонидан товарни қабул қилувчи (харидор)га товар жўнатилгани ҳақидаги хат ҳам авизо деб юритилади.

А-ВИСТА — тўлов муддати кўрсатилмаган вексель, тўлов учун исталган пайтда тақдим этилиши мумкин.

АВТАРКИЯ (юн. autarkeia — ўз-ўзига етарли) — ўз-ўзини таъминлаш қоидасига асосланган, бошқалар билан иқтисодий алоқалардан узилиб қолган биқиқ хўжалик тизими.

АВУАРЛАР (фр. avoir — мулк, бойлик) — 1) пул ҳужжатлари (чеклар, вексельлар, пул ўтказмалари, аккредитивлар), улар ёрдамида тўловлар ўтказилади ва мажбуриятлар узилади; 2) банкнинг чет эл банкларидаги жорий ҳисоб варақасида турган чет эл валютасидаги маблағлари.

АГЕНТ (лат. agens — ишлайдиган, ҳаракат қиладиган) — тожир воситачи, бирон-бир муассасанинг масъул топшириқларини бажарувчи вакили. Савдо агенти бир ёки бир неча корхоналарнинг маҳсулотини шартнома бўйича сотади. Савдо агенти саноат агентига нисбатан мустақил бўлиб, маҳсулот нархи ва сотиш шароитларини ўзи белгилайди. Харид бўйича агентлар — саноатда ишлатиладиган товарлар хариди бўйича махсус ихтисосга эга бўлган харидорлар.

АГЕНТ ХИЗМАТ ҲАҚИ — ҳажми агентлик шартномаси шартлари ва амалдаги тарифлар бўйича аниқланадиган хизмат ҳақи.

АГЕНТЛИК — муайян бош ташкилотнинг топшириғи ёки ваколати билан у ёки бу савдо, саноат корхонаси фаолиятини юритиб турувчи муассаса.

АГЕНТЛИК БИТИМИ — принципиал ва агентлик ўртасида томонларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилайдиган шартнома. Агентлик битими агентнинг бозорда принципиалга нисбатан мавқеини қайд этади (оддий агент, монопол агент, мулкни сотиш ҳуқуқига эга бўлган ёки «ўнг қўл» агент). Агентлик битимида агентнинг вакил, комиссионер (комиссия шартномаси), ишончли вакил (топшириқни бажариш шартномаси) ва харидор (олди-сотди шартномаси) сифатида ишлаш шартлари белгиланади. Шунингдек, агентлик битимида мукофот тўлаш шакллари ва усуллари ҳам белгиланади.

Давоми бор.

*Спорт*

# АЛОҲИДА ФУТБОЛ СИНФЛАРИ

Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани халқ таълими бўлимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 17 январдаги қарорига асосан, туман халқ таълими бўлими маъмурияти 4 ҳамда 8-ўрта мактабларда ички имкониятлардан келиб чиқиб, алоҳида футбол синфлари ташкил этди. Бу синфларда таълим олаётган ўқувчилар табиий ва ижтимоий фанлар билан бир қаторда футбол назариясини ҳам мукаммал эгаллаб боришяпти.

Футбол Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати бўлади, деб минг хил орзу-ниятни дилимизга тугиб ўтирганимиз билан мақсадга эришиб қолмаймиз. Чунки гап алал-оқибат иқтисодиётга бориб тақалаверади. Ана шундай савол билан туман халқ таълими бўлими мудири Азим Ғаффоровга мурожаат этганимизда, у қуйидагиларни гапириб берди: — «Туман футбол федерациясининг раиси, ҳокимимиз Абдуҳаким Ҳожимуродов бизга футбол синфларимизни янада такомилга етказишимиз учун катта миқдорда молиявий ёрдам бермоқда. Шунинг учун ҳам бу соҳада кутилган натижаларга эришмоқдамиз. Келгуси ўқув йилида яна 2 та мактабда шундай синфлар очиш ниятимиз бор».

**Б. НОРҚУЛОВ.**





Тошкент шаҳридаги Ф. Умаров номли мактабда ташкил этилган футбол тўгарагига республика футбол федерациясининг аъзоси Носир Раҳматов ва «Шайхонтоҳур» футбол жамоаси ҳужумчиси Шуҳрат Камоловлар раҳбарлик қилишади. Тўгарак аъзолари синфлараро беллашувлар, шу билан бирга туман миқёсидаги мусобақаларда ҳам мунтазам иштирок этиб боришади.

СУРАТЛАРДА: 1. Ёш футболчилар машғулот пайтида. 2. Шуҳрат Камолов тўгарак аъзолари билан биргаликда навбатдаги машғулотларга тайёргарлик кўрмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

**Анвар ОБИДЖОН**

# АЛИШЕР ИЛА ҲУСАЙН

## *ёки уч доно ва ўғри*

АЛИШЕР:
Уптирмайман. Қўрқманг, Ҳусайн.
Лекин сал-пал бузулди кўнглим,
Очни қандай уриб бўлади?
ҲУСАЙН:
Эҳ, Алишер, шундай қилмаса,
Мачитга ҳам ўғри тўлади.
УҒРИ:
(Энди кеккайиб)
Хуллас, мени молдек савашди,
Аниқ кўрдим жонхўр ўлимни.
Улар инсоф қилишгандаям
Кесишарди битта қўлимни.
(Қаландарга миннатдор боқиб)
Бирдан келиб қолдию бу зот,
Худо мени солди эъзозга.
Товон ол-у, кеч деб даъвонгдан
Кумуш тумор тутди баззозга...
ҚАЛАНДАР:
(Болаларга жилмайиб)
Шуни ҳар кун мақтар ҳар кимга,
Мен талтайиб кетмасам бўлди.
Зеро, гулни севиб узишиб,
Бош узра тож қилишгач сўлди.
АЛИШЕР:
Гапирдингиз жуда чиройли
Доно Лутфий бобога ўхшаб.
ҚАЛАНДАР:
Лутфийни сен қайдан биласан?
АЛИШЕР:
Онам китоб ўқиб беради,
Тоғаларим ёзишар ғазал.
Тўпланишса чорбоғимизда
Мушоира бўлар ҳар маҳал.
ҚАЛАНДАР:
Бўтам, ўзи кимнинг ўғлисан?
АЛИШЕР:
Отам — Ғиёсиддин Баҳодир.
ҚАЛАНДАР:
Э-э, Сабзавор ҳокими эди...
Мурувватли, художўй, ботир.
АЛИШЕР:
Бу — Ҳусайн...
ҚАЛАНДАР:
Сени отанг ким?
ҲУСАЙН:
Темурзода Мансур Бойқаро!
ҚАЛАНДАР:
(Синчиклаб тикилади)
Шаштинг баланд. Кўзларинг тийрак.
Юрагингда ишонч, ғурур жо.
Уша йили Ҳиротда эдим
Бобонгни қатл этганда Шоҳруҳ.
Кўряпманки, ўсмоқда қийғос
Аслин қўмсаб бақувват уруғ...
Эсингда тут, иншооллоҳ де,
Шу юртга сен пошшо бўласан!
УҒРИ:
(Алишерга)
Демак, бугун ранжитсанг уни,
Эртага ғирт расво бўласан.
ҲУСАЙН:
Пошшо бўлсам, қаландарларга
Улашардим кўп-кўп садаға.
УҒРИ:
Қариб қолган ўғриларгаям
Тайинлаб тур катта нафақа.
АЛИШЕР:
Агар пошшо бўлса Ҳусайн,
Садағага зорлар қолмайди.
Ерда тилло тушиб ётса ҳам,
Бирон банда уни олмайди.
ҚАЛАНДАР:
Баракалла, бўтам! Офарин!
Бу ҳақиқий дўстнинг тилаги.
Фаровонлик барқ урган жойда
Хайриянинг бўлмас кераги.
АЛИШЕР:
Фаровонлик недан келади?
ҚАЛАНДАР:
Ҳамжиҳат иш, тўғри тақсимдан.
ҲУСАЙН:
Юрт нелардан ҳароб бўлади?
ҚАЛАНДАР:
Мақсадсизлик, ҳаром базмдан.
АЛИШЕР:
Уришлар ҳам катта офат-ку?
ҚАЛАНДАР:
Суюк бўлса халқига ҳоқон,
Аҳил янчиб ташлар ғанимни,
Юртни яна қилади бўстон.
ҲУСАЙН:
Душман ўта кучли бўлса-чи,
Ёприлса-чи чигиртка мисол?
УҒРИ:
Сен билан мен оддий кўзамиз,
(Осмонга ишора қилиб)
Уёғини билади кулол.
ҲУСАЙН:
Гапимни сиз мазахга бурманг!
ҚАЛАНДАР:
Кесатиққа кар бўлгин, бўтам.
Аммо гоҳи билиб-билмасдан
Маънили сўз айтворар гўл ҳам.
Ҳал қилгучи — аввало худо,
Дўст тутавер ихлосга кўнглинг.
Букиб ўтса сени қора куч,
Қора кучни синдирар ўғлинг.
АЛИШЕР:
Ҳа, ёғтирган бандаларини
Баъзан синаб кўраркан тангри.
УҒРИ:
Айний бошлар азал хом каллам,
Доно гаплар кўпайган сари.
(Бориб, четроқда майсага чўзилади).
ҲУСАЙН:
(Чолга паст товушда)
Нега уни бошлаб юрибсиз,
Уғрига ҳам ақл битарми?

Боши газетамизнинг ўтган сонида.

Давоми бор.

*Хондамир*

# «ҲАБИБУС-СИЯР»

ҚУДУҚЛАР.

Қудуқларга оид энг мўътабар ва мўъжизалиси Мадинада жойлашган бўлиб, унга Ҳазрати Расулуллоҳ Саллалоҳи алайҳ васаллам ўзларининг оғизларининг муборак сувини томизганлар. Шунинг учун бу қудуқ сувидан ичган ҳар бир бемор шифо топади.

**Тавофиқ қудуғи** — Ғарб диёридадир. Унинг оғзидан жуда қуюқ буғ чиқиб туради. Агар уни ичига катта тош ташласалар, яна ташқарига чиқариб ташлайди ва тош ҳеч унинг қаърига бориб етмайди.

**Азрақ қудуғи** — Таробилс юртидаги қудуқ. Айтишларича, тинар, ёмғир тўхташи билан яна давом этаверади.

**Сангилдеб қудуғи** — ҳар ким бу қудуққа энгашиб қараса, пешонасига ўқсимон тезликда тош келиб уради. Бунинг сабабини ҳеч ким тушунтира олмади.

**Ал-Самиғ қудуғи** — Ҳиндистон диёрида жойлашган. Сувини бир идишга олиб Ҳамал ойининг бошидан мизон ойигача сақласалар, заҳарга қарши давога айланади, агар ҳут ойининг охиригача сақласалар, сувнинг ўзи заҳри қотилга айланади. Бу ҳолат (ғайб кучлардан ташқари) ҳеч кимга маълум эмас.

**Абдулраҳмон қудуғи** — Форс қишлоқларининг бирида жойлашган, яъни Бақрия (Бактрия) яқинида ва шу ном билан машҳур. Бу қудуқ ниҳоятда чуқур бўлиб, асосан сувсиз ҳолда бўлади ва бир неча йилда бир марта, аниқ вақтда сув унинг қаъридан фаввorasимон чиқиб, тошиб, қудуқ оғзигача келади ва ер юзига кўп миқдорда оқа бошлайди, бу бир неча кун давом этиб, бир тегирмон сувичалик оқиб туради. Аҳоли сувдан тўйгандан кейин қолган сувни яна ер тортиб олади, қудуқдагисидан эса бир томчи ҳам қолмайди.

**Ҳўр қудуғи** — Ҳўр шаҳридаги ҳовузнинг ичида жойлашган. Мазкур қудуқнинг оғзига мисдан ясалган жуда катта қозон қўйилган бўлиб, унда жуда ҳам кичик тешик қўйилган. Бироқ шу тешикдан ҳам шунчалик кўп сув чиқар эдики, катта ариқдек оқар эди. Айрим фозил кишиларнинг айтишларича, агар бу қозон тешиги озгина катта бўлганда эди, Ҳўр шаҳрини сув босиб кетиши эҳтимолдан холи эмасди.

**Сиёмак қудуғи** — Форс ҳудудларида жойлашган. Доимо қудуқдан жуда иссиқ буғ чиқиб туради. Буғ иссиқлиги шу даражадаки, агар қуш қудуқ устидан учиб ўтгудек бўлса, куйиб тушади (Ваал илму андауллоҳу таоло).

ҳар ким унинг сувидан ичса, ақлдан озади.

**Сомиш қудуғи** — жуда ҳам тенгсиз суви бор. Агар мабодо қудуққа хом ғиштни ташласалар жуда ёқимли товушлар чиқади ва бу ҳол уч соатча давом этади ва кейин тинади.

**Савоиқ қудуғи** — суви ичилса, киши ичини кеткизади, агар маълум масофага олиб борсалар, қонга айланади, агар яна узоқроққа олиб борсалар тошга айланади ва агар ҳайз кўрган аёлнинг булғанган қуйлагини қудуққа ташласалар яшинсимон ёруғлик чиқиб, қаттиқ бўрон бўлади ва шиддати шу даражада бўладики, иморатларни қулатади.

**Бомиён қудуғи** — айтишларича нахжир (оҳу, буғуга ўхшаш саҳро ҳайвони) қудуқнинг олдига сув ичишга келса, сув қудуқ оғзигача кўтарилар, нахжир сувдан ичиши заҳоти сув уни ўз домига тортар ва оз муддатдан кейин бу ҳайвоннинг фақаттина суякларини сув олиб чиқиб ташлар экан. Бу ҳодиса синоатидан ҳеч ким аниқ жавоб бера олмади.

**Асвот қудуғи** — Тибет ҳудудида жойлашган. Ҳар ким у қудуқ олдига борса, ғаройиб товушларни эшитади. Бу товушлар форс, този (тожик), туркий, ҳинду тилларида ифода этилади. Қизиғи шундаки, ёмғир ёққан пайтда бу товушлар

Боши газетамизнинг 3, 5, 8 ва 9-сонларида.

**ҲАЗРАТИ ВОҲУБУЛ-МАВОҲИБ ЯРАТГАН АЙРИМ ОРОЛЛАР ҲАҚИДА**

Биҳор ва Батолиж ўлкалари орасида жуда кўп ороллар мавжуд. Бори субҳони таоло уларнинг айримларини маишат жойи этиб яратган бўлса, яна бошқасини фойда ва манфаатлар макони этиб тайинлаган. Оролларнинг жуда кўпи одамлар тасарруфида бўлиб, яна кўпи жинларнинг макони, баъзиларида жуда йирик ҳайвонлар ватан айлаган. Улар агарчи инсон суратида бўлсалар-да, аммо унга ҳамма жиҳатдан ўхшамайдилар. Айрим оролларни эса ёввойи ҳайвонлар, айримларини қушлар эгаллаганлар, айримларида олтин, кумуш, жавоҳирлар ҳам бор. Айрим ороллар борки, уларнинг қандайлигидан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Шу қатори, ғаройиблар-га бой ороллар ҳам борки, унинг тасвири қуйида келади.

**Воқ ороли** — Муҳит денгизидадир. У оролда меваси одам бошичалик келадиган дарахт бор. Бу мева пишиб етилиши билан «воқ» товуши баралла эшитилади.

**Жамкум ороли** — Хатти устувонинг айнан ўзидадир. Оролнинг масоҳати 150 фарсах (бир фарсанг тахминан 6 км) келади. Оролдаги ўзига хос жиҳат шундаки, унда одам гавдасига жуда яқин шаклда мева берадиган дарахт мавжуд. Мазкур мева катталашиб ўз ҳажми ва шаклини олгандан сўнг, қовоққа ўхшаш, икки пистонли, ундан сут оқиб турадиган нарса вужудга келади. Шу пайт қовоқ ўша икки бошли пистондан оқиб тушаётган сутни эмади ва катталашади ва унинг узунлиги бир газ (91,5 см)га етади. Бир йилдан кейин қурийди. Яна у оролда узунлиги бир газчалик келадиган қуртлар бўлиб, уларни қанчалик бўлиб ташлашмасин, яна бирлашади ва ўлмайди. Агар бирон сув идишига у қуртдан солиб қўйсалар ва ҳар кимнинг юз, тана суяклари шикастланса ва шу қуртдан солинган сувдан ичса, тузалади ва қувватга киради.

**Форсчадан**
**Ҳ. ҚУДРАТУЛЛАЕВ**
**таржимаси.**

**Давоми бор.**

*Хуллас...*

## НЬЮТОННИНГ «ШОГИРДИ»

Машҳур инглиз олими Исаак Ньютоннинг бошига «тўп» этиб тушган олма «Бутун олам тортишиш қонуни»нинг кашф этилишига туртки бўлди. Тамбов вилоятининг Кирсаново шаҳри мактабларидан бирининг ўн уч яшар ўқувчиси ушбу қонунни ўзганинг боши билан исбот этди. У мактабга бир бўлак ғишт олиб келиб, эшик тепасига жойлаштириб қўйди.

Дарсга шошиб келаётган биринчи синф ўқувчиси эшикни очди-ю бутун олам тортишиш қонуни туфайли бошига «тўп» этиб тушган ғишт зарбидан кўзини очолмай қолди.

Болакайни касалхонада дўхтирлар ўзига келтиришди. Ньютоннинг «шогирди» бошига эса «тўп-тўп» танбеҳлар тушди.

## КЎНГИЛ АМРИ — ВОЖИБ (БЎЛМАДИ)

Туғилган куни балиқ емоқликка кўнгли суст кетган Бугульма шаҳрилик ишчи бозорга йўл олди. Айланиб-айланиб, ўзига маъқулини топди. Узиям, балиқмисан, балиқ, шекилли, нақд уч кило тош босди. Пулни сотувчига хушҳол санаб бериб, уйи томон қанот чиқарди. Кела солиб, балиқни тозалашга киришди. Афсуски, охиригача тозалай олмади. Ахир, ҳайратдан оғзи очилиб, пичоқ қўлидан тушиб кетгач, қандай тозаласин. Чунки, бозорда билқиллаб турган балиқнинг ичи занглаган темир бўлакчалари билан тўла эди. Сотувчининг шундоқ антиқа «кашфиёти» билан табриклаш учун бозорга югуриб борган ишчи уни тополмади. «Кашшоф» янги ғоялар учун илҳом излагани кетиб қолган экан.

## ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ — ҲУЖУМ

Тюмень вилояти нон комбинати ҳисобчисининг уйига икки ниқобли киши бостириб кирди ва ундан пул, қимматбаҳо нарсаларни чиқаришни талаб қилишди. Аммо аёл ҳисоб-китобнигина эмас, олишувнинг ҳам ҳадисини хўп олволган экан. Бир пасда «муштипар»дан «қони қайноқ жўжахўроз»га айланиб, босқинчиларни дўппослай кетди. Бундай бўлишини кутмаган ўғрилар жуфтакни ростлашдан бошқа илож топиша олмади.

Темур бобомиз «Энг яхши ҳимоя ҳужумдир» дея зап билиб айтган эканлар-да!

## ХОНАДОН АҚИДАСИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Нижний Тагил шаҳридаги оилалардан бирининг барча аъзоси бир кунда, бир сонияда касалхонага ётқизилди. Барчасига бир хил ташхис қўйдилар: «овқатдан заҳарланиш». Тўғрироғи калий тузидан.

Маълум бўлишича, оила бошлиғи завод ҳудудида уюмлашиб ётган тузни ош тузи ўрнида кўриб, уйига олиб келган. Уй аҳли ҳам «текин нарсанинг таъми ширин» деб, токи касалхонага тушишгунича овқатта бемалол ишлатаверишган.

Ваҳоланки, бу туз одам учун заҳарли бўлиб, илдиз мевалар, тамакини қайта ишлашда қўлланилар экан. Энди хонадон ўз ақидасини ўзгартирди: «Текин беиллат бўлмас».

*ана шунақа гаплар*

# ТИНЧЛИК КОРПУСИ – ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА

IN ENGLISH

*Letter from the Editor*

*Winter has arrived. Such cold weather and often even colder classrooms can make teaching and learning a real "test". And for most of us it is nearing the end of the semester. I think that means it's time to give us and our students a break!*

*Now is a good time to set aside an "English Fun Day" for your students. Make this class full of games and puzzles and activities that get students moving (and keeping warm) and that remind them and us that English isn't just grammer and textbooks.*

*Give prizes for students and teams that do well. Simple stickers, pencils and postcards are inexpensive but give students something to work for and a sense of accomplishment when they "win."*

*In this edition of "In English" we have included games and activities to help you plan. Look in earlier editions of "In English" for even more ideas. And if your day goes well and you used some fun, effective activities let "In English" know! We are always looking for short articles and ideas to print.*

*Cheers!*
*Anne Hauk*
*Co-editor*

NOV / DEC 1995 ISSUE NO.8

## USING LETTERS AS A WRITING EXERCISE

**Sophie Forbes**
**Peace Corps Volunteer**
**Kokand**

How can you make writing exercises exciting? I have asked myself this question many times. Every week I write letters home to my family in America. Could my students write to America too? I decided to start a letter writing campaign with my students. Not only is this an interesting activity, but it is also a way to improve many of your students' English skills. For instance, your students can work on their spelling, grammar, and sentence structure. They will also learn about other children their age and another culture.

Write to these addresses:

1) ***World Pen Pals***
1690 Como Ave.
St. Paul, MN
55108 USA
For ages 12 to 20.

2) ***The League of Friendship***
Box No. 509
Mount Vernon, OH
43050 USA
For ages 12 to 25.

3) ***Letters Abroad***
209 East 56th Street
New York, NY
10022 USA
For ages 16 to 50.

4) ***The International Friendship League***
22 Batterymarch Street
Boston, MA
02109 USA
For ages 8 to 80.

First send a letter to each address. Have the student print his or her name and address on the envelope and letter. Use a pen and write clearly. In the first letter the student should introduce him/herself. They may tell their pen pal where they are from, their age, and about their family and what they like to do. Be sure to ask the pen pal questions about him or herself.

Here are some other topics your students may write about:
1) describe your house
2) daily tasks
3) your town
4) your country
5) history of your town or country
6) your hobbies
7) things you like: sports, pets, holidays, books
8) exchange photographs, postcards, maps

**LOOK!!!!!!!**
Turn this page over for "English Fun Day" ideas.

This is a forum for local and foreign English teachers working in Uzbekistan. If any school, institute or university teachers would like to write an article for IN ENGLISH, the English Teacher's Newsletter of Uzbekistan, please submit your idea to a Peace Corps Volunteer or write to the following address.

ENGLISH TEACHER'S NEWSLETTER
P.O. BOX 476
TASHKENT 700047

NJIRTYN 700047
F|Z 476
ENGLISH TEACHER'S NEWSLETTER

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ҳунар-техника таълими илмий-тадқиқот институти директори Ҳикматилла Рашидовга онаси

Матлуба АЛИЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти жамоаси институт директори Ҳикматилла Рашидовга онаси

МАТЛУБА ая

бевақт вафоти муносабати билан унинг оиласига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Олий ва ўрта махсус таълим муаммолари институти жамоаси институт бош мутахассиси Сабиҳулла Каримовга отаси

Ҳабибулла КАРИМОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси ва физика факультети жамоаси умумий физика кафедрасининг собиқ доценти

Саид АЗИЗОВ

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

*Қутлов*

# ЗУККО ОЛИМ

Тилшунос — тил жавҳарларини жамловчи, тилга зеб берувчи заргардир. У ўта моҳирлик билан тил хусусиятларини ўрганади, таснифлайди, тадқиқ ва татбиқ этади. Ана шундай заргарлардан бири тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ренат Дониёровдир.

Устоз олим 35 йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тилшунослик институтида меҳнат қилиб келмоқда. Ўтган йиллар ичида Р. Дониёров 120 га яқин монография, луғат, илмий-оммабоп мақолалар чоп эттирди. Дастлаб у тилшунослик сиру асрорларини Ҳамдам Бердиёров, Улуғ Турсун, Жўра Ҳамдамов каби шу фан фидойи жонкуярларидан ўрганган бўлса, кейинчалик ўзи ҳам Ҳ. Рафиев, Н. Рўзиев, А. Эшонқулова, С. Азизов, А. Қосимов, А. Ҳусанов, А. Собиров, С. Матчонова, М. Абдиев каби шогирдларини тайёрладики, улар бугунги кунда республикамизнинг турли олий ўқув юртлари ва илмий даргоҳларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Р. Дониёров лисоний материаллар асосида ўзбек тилининг илмий-техник терминологиясида бирикма атамаларни таҳлил қилиб, бирикма атамалар ҳосил қилишнинг 40 дан ортиқ модели мавжудлигини аниқлади. Зукко олим ўз тажрибасини, бор билим маҳоратини луғатчиликда ҳам синаб кўрди. Натижа чакки эмас. У ижтимоий-сиёсий атамалар, ўқув ва сўзлашгич луғатлари ёзиб халққа, илмий жамоатчилик кенгашига намойиш этди.

Олимнинг ўнлаб илмий рисолалари Москва, Боку, Уфа каби шаҳарларда қайта-қайта чоп этилди.

Бағри дарё устоз, зукко олим, маҳоратли тилшунос ва луғатчи Ренат Дониёров 60 ёшга тўлди. Устозни қутлуғ ёши билан чин дилдан муборакбод этамиз. Илм-фан йўлидаги изланишлари ҳамиша самарали бўлаверсин.

**Инобат СОДИҚОВА,**
**Қосимжон МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Ҳуснижамол ЮСУФХЎЖАЕВА,**
**Зуҳра МИРАҲМЕДОВА.**

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-081. Хажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 36 385.
123456